



## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

**Юсупова Фаризабону Зарифовна**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ORCID: 0000-0001-7431-764X  
[yusupovaf.95@gmail.com](mailto:yusupovaf.95@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф томонидан “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисида” ҳисоботнинг шаклидаги кўрсаткичлар бошланғич кўрсаткич, жорий кўрсаткичлар, оралиқ кўрсаткичлар ва якуний кўрсаткичга ажратилиб, ушбу гуруҳдаги кўрсаткичларнинг мазмун моҳияти очиб берилди. Тадқиқот жараёнида оралиқ кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби ва формулалари ишлаб чиқилди. Тадқиқотда сотиш ва хизматлар таннархи кўрсаткичини аниқлаш мақсадида савдо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги таъкидланди. Ишлаб чиқариш корхоналарида даврий ҳисоб тизимида тайёр маҳсулотларни сотиш таннархи тўғрисидаги ҳисоботи шакли ишлаб чиқилди. Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларга келтирилган 2.1 (а) – иловадаги ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тавсия этилди.

**Калитли сўзлар:** соф фойда ёки зарарлар, молиявий натижалар, сотиш ва хизматлар таннархи, даврий ҳисоб тизими, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бошқа умумлашган даромадлар.

## ПРИВЕДЕНИЕ ПОРЯДКА РАСЧЕТА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИНАНСОВОЙ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ К МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ

**Юсупова Фаризабону Зарифовна**  
Самаркандский институт экономики и сервиса

**Аннотация:** В данной статье автор разделил показатели в форме отчета «Прибыль или убыток и прочий совокупный доход» на исходные показатели, текущие показатели, промежуточные показатели и итоговые показатели, а также раскрыл содержание показателей данной группы. В ходе исследования были разработаны порядок и формулы расчета промежуточных показателей. В исследовании подчеркнута необходимость учета особенностей предприятий торговли, производства и услуг для определения себестоимости продаж и услуг. Разработана форма отчета о себестоимости реализации готовой продукции в системе периодического учета на производственных предприятиях. 2.1(а) - рекомендованы предложения по совершенствованию расчетов в приложении к расчетам налога на прибыль.

**Ключевые слова:** чистая прибыль или убыток, финансовые результаты, себестоимость реализованной продукции и услуг, периодическая система учета, международные стандарты финансовой отчетности, прочий совокупный доход.

## BRINGING THE PROCEDURE FOR CALCULATING FINANCIAL PERFORMANCE INDICATORS TO INTERNATIONAL STANDARDS

*Yusupova Farizabonu Zarifovna*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

**Abstract.** *In this article, the author divided the indicators in the form of the "Profit or Loss and Other Comprehensive Income" report into initial indicators, current indicators, intermediate indicators and final indicators, and also revealed the content of the indicators of this group. During the study, the procedure and formulas for calculating intermediate indicators were developed. The study emphasizes the need to take into account the characteristics of trade, manufacturing and service enterprises to determine the cost of sales and services. A report form has been developed on the cost of sales of finished products in the periodic accounting system at manufacturing enterprises. 2.1(a) - proposals for improving calculations in the annex to income tax calculations are recommended.*

**Key words:** *net profit or loss, financial results, cost of products and services sold, periodic accounting system, international financial reporting standards, other comprehensive income.*

### **Кириш.**

Янги Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шароитида ахборотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларга халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобот тақдим этишни тақозо этади. Рақамли иқтисодиёт аввало ишончли ва объектив ахборотларга таянади. Бундай ахборотлар бухгалтерия ҳисобида шаклланади. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари маълум қоидалар ва принциплар асосида тизимли тайёрланади. Умумэтироф этилган тартиб қоидалар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) орқали эришилади. МҲХСларга ўтиш қандай имкониятларни яратади. **Биринчидан**, МҲХСлари асосида тайёрланган ахборотлар ишончли, уйғун ва объектив бўлади. **Иккинчидан**, халқаро стандартлар инвесторлар, акциядорлар ва бошқа ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфаатларига уйғун бўлган ахборотларни тайёрлаш мумкин бўлади. Инвесторларга тушунарли бўлган тилда ахборот тақдим этиш самарали қарорлар қабул қилишнинг асоси ҳисобланади. **Учинчидан**, молиявий натижаларни, яъни фойда ва зарарларни тўғри ҳисоблаш, натижада соф фойдани адолатли тақсимлаш, меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали усулларини қўллаш, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиш ва қарздорликларни бартараф этиш ва бошқа бир қанча имкониятларни юзага келтиради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда МҲХСларини жорий қилиш бўйича қонуний имкониятлар яратиб берилишига қарамасдан бухгалтерларда малака ва компетенциялар етарли даражада деб бўлмайди. Амалдаги ҳисобот шакллари мазмунан эскирган, уларнинг таркиби ва мазмунини тубдан такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Кўрсаткичларни тан олиш ва баҳолашнинг амалдаги тартиби МҲХСлар талабларига жавоб бермайди. Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни энди эскича тўлғазиб бўлмайди. Уларни давр талабларига мувофиқлаштириш керак. МҲХСларга ўтаётган корхоналар ҳисоб сиёсатларида такомиллашган усул ва услубларни киритиши, ҳисоботларнинг янги шаклларига монант бўлган счётлар режасини ҳамда молиявий ҳисоботнинг янги форматларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ўта долзарб масалалар ҳисобланади.

Бугун молиявий натижалар янги мазмун кашф этмоқда. Молиявий натижаларда ҳисоботни икки қисмга ажратиш (фойда ёки зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар), ҳисоботда молиявий фаолият натижаларига тааллуқли бўлган моддалар ҳиссасини ошиши, даромад ва харажатларнинг корхонанинг одатдаги фаолияти билан

боғлиқ бўлган ва одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган гуруҳларга таснифланиши, соф фойданинг назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган акциядорларга тақсимланиши каби муҳим жиҳатлар ўз аксини топши керак. Шу боис, молиявий натижалар кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ўта долзарб масала ҳисобланади.

### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида гуруҳлаш, таққослаш, анализ, синтез, индукция, дедукция, горизонтал, вертикал ва омилли таҳлил ҳамда монографик кузатув усуллари қўлланилган.

### Адабиётлар шарҳи.

“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомда<sup>65</sup> молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш тартиби келтирилган. Бугунги кунда халқаро стандартларга ўтишимиз муносабати билан “фойда ёки зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар” тўғрисидаги ҳисоботнинг жорий қилиниши кўрсаткичларни шакллантиришнинг янги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Аблакулов (2016) томонидан молиявий натижаларни шакллантиришда “ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги тамойилининг амал қилиш тартиби келтирилган.” Албатта молиявий натижаларни шакллантиришда мувофиқлик тамойилига риоя қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Холмуродов (2024) “Якуний молиявий натижа – бу корхонанинг ҳисобот даврида жами фаолият турларидан олинган даромадлари билан жами фаолият бўйича кўрилган зарарларининг фарқидир” деб тавсифлайди.

Соҳага доир манбаларда, Ильдар Мустафин (2024) “молиявий натижаларни ҳисоблашнинг базали формуласи: **Молиявий натижа = Даромадлар – Харажатлар**” келтирилган. Албатта ушбу формула молиявий натижаларни босқичма-босқич шакллантиришга асос бўлади

Головкова (2024) “Молиявий натижалар ҳар қандай тижорат ташкилотининг фаолияти самарадорлигининг натижавий кўрсаткичи” деб баҳолайди.

Дружиловская (2021) томонидан ёзилган мақолада “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан “Солиқдан олдинги фойда (зарар)” моддасини чиқариб ташлаш ва “Солиқ тўлагунга қадар давом этаётган фаолиятдан олинган фойда (зарар)” ва “Тугатилган фаолиятдан олинган фойда (зарар) (даромад солиғини ҳисобга олмаганда)” моддаларни киритиш / Exclusion from the income statement of the item “Profit (loss) before tax” and the introduction of items “Profit (loss) from continuing operations before tax” and “Profit (loss) from discontinued operations (net of income tax)” таклифи мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Zhilyakov, Dolzhenkova, Malkhasyan, Dunets, Goncharov ва Rodionovalar (2021) молиявий натижалар таҳлилининг икки босқичда амалга оширишни таклиф этади: “Биринчи босқичда ташкилотнинг молиявий натижалари динамикаси ва тузилишини таҳлил қилиш керак. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида фойданинг омилли таҳлили ўтказиш, бу омилларнинг барча фойда кўрсаткичларига таъсирини баҳолашни ўз ичига олиши [At the first stage, it is necessary to analyze the dynamics and structure of the financial results of the organization. At the second stage of the author's research, a factor analysis of profits will be performed, which includes an assessment of the influence of factors on all profit indicators [Savin, 2010]] га доир илмий амалий аҳамиятга молик мақола чоп эттирган.

<sup>65</sup> <https://lex.uz/acts/264422>

Ушбу адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, молиявий натижаларни шакллантиришга доир ягона услубиёт таклиф этилмаган. МҲХСларига ўтиш шароитида молиявий натижаларни босқичма-босқич аниқлаш, ҳисобот кўрсаткичларни таснифлаш масалалари ҳали тўлиқ ўз ечимини топган эмас.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Биз тадқиқотларимиз асосида (Юсупова, 2024) “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисида”ги ҳисоботнинг таклиф этилаётган шаклида фойда ва зарарлар тўғрисидаги қисмида қуйидаги кўрсаткичларни киритдик (1-жадвал):

1-жадвал

### Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисида ҳисобот

#### I. Фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисобот

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кўрсаткичларнинг типи
<b>Асосий (одатдаги) фаолияти боғлиқ даромад ва харажатлар:</b>	<b>0100-0200</b>	
<b>Операцион фаолият:</b>	<b>0100</b>	
Сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш	0101	Бошланғич кўрсаткич
Сотишлар ва хизматлар таннархи	0102	Жорий
<b>Ялпи фойда (зарар) (сатр. 0101-0102)</b>	<b>0103</b>	<b>Оралиқ кўрсаткич</b>
Сотиш харажатлари	0104	Жорий
Маъмурий харажатлар	0105	Жорий
Активга айланмаган ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича харажатлар	0106	Жорий
<b>Операцион фаолият фойдаси (зарари) (0103 -0104 - 0105 - 0106)</b>	<b>0107</b>	<b>Оралиқ кўрсаткич</b>
<b>Молиявий фаолиятдан тушумлар ва харажатлар:</b>	<b>0200</b>	
Дивиденд	0201	Жорий
Роялти	0202	Жорий
Ижара тўловлари	0203	Жорий
Фоиз шаклидаги харажатлар	0204	Жорий
Молиявий ижара бўйича фоиз шаклидаги харажатлар	0205	Жорий
Ҳиссали қатнашиш методи бўйича ассоциациялашган ва қўшма корхоналарнинг фойда ёки зараридаги ҳиссаси	0206	Жорий
Инвестициявий кўчмас мулкларнинг қиймати ошиши натижасида олинган даромадлар	0207	Жорий
<b>Асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари) (0107 + 0201 + 0202 + 0203 - 0203 - 0204- 0205 + (-) 0206) + 0207</b>	<b>0208</b>	<b>Оралиқ кўрсаткич</b>
<b>Асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромад ва харажатлар:</b>	<b>0300</b>	
Пеня, жарима ва неустойкалар бўйича фойда ёки зарарлар	0301	Жорий
Жорий бўлмаган активларни сотишдан олинган фойда ёки зарарлар	0302	Жорий
Сотишга қобилиятли қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган нафлар	0303	Жорий
Валюта курси фарқидан фойда ёки зарарлар	0304	Жорий
Кредиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган нафлар	0305	Жорий
Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	0306	Жорий
Ҳисобот даврида аниқланган ўтган даврлар даромадлари	0307	Жорий
Амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳоланадиган молиявий активларни тан олиниши тўхтатишдан (чиқиб кетишидан) олинадиган фойда ёки зарарлар	0308	Жорий

Молиявий активларни қайта таснифлаш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарарлар	0309	Жорий
Фавқулотда юзага келган фойда ёки зарарлар	0310	Жорий
Бошқа даромадлар ва харажатлар	0311	Жорий
<b>Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда ёки зарар (0208 + (-) 0301 + (-) 0302 + 0303 + (-) 0304 + 0305 + 0306 + 0307 + (-) 0308 + (-) 0309 + (-) 0310 + (-) 0311 )</b>	0401	<b>Оралиқ кўрсаткич</b>
Фойда солиғи бўйича харажатлар	0501	Жорий
<b>Давом этаётган фаолиятдан фойда (зарар) (0401 - 0501)</b>	<b>0601</b>	<b>Оралиқ кўрсаткич</b>
Тугатилаётган фаолиятдан фойда (зарар)	0701	Жорий
<b>Ҳисобот даври учун соф фойда (зарар) (сатр. 0601 + (-) 0701)</b>	<b>0801</b>	<b>Нативжай кўрсаткич</b>

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу кўрсаткичларни учта тоифага ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. **Бошланғич кўрсаткич**, яъни ҳисобот дастлабки бошланадиган кўрсаткич. Бунга “Сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш” кўрсаткичини мисол бўла олади. Ҳисобот шу кўрсаткичдан бошланади. Бошқача қилиб айтганда ҳисоботдаги бош драйвер кўрсаткич, унинг ҳажми ва сифати бошқа кўрсаткичларни ҳажмини белгилайди. Сотишдан тушган тушумни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш тартиби 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ амалга оширилади.

Тадқиқотчи З.Б.Эшпулатова таъкидлаганидек (2023), “15-сон МҲХСда тушумни тан олишнинг беш босқичдан иборат модели таклиф этилган.



2-расм. Тушумларни тан олишнинг беш босқичли модели

*Манба:* 15-сон МҲХС асосида З.Эшпулатова ишланмаси.

Ушбу моделга мувофиқ корхонанинг одатдаги фаолиятдан олинган даромад тан олинади:

- корхона томонидан ваъда қилинган товарлар ва хизматлар устидан **назоратни** узатиш momentiда (ёки узатиш давомида) (31-§);

- **қопламалар** суммаси, қайсики корхона ушбу узатилган активларга алмаштиришда кутилаётган ҳуқуқ (47-§)<sup>66</sup>.

15-сон МҲХСга мувофиқ **активлар устидан назорат** дейилганда қуйидаги ҳолатларни қайд қилиш мумкин:

- 1) корхонанинг активлардан фойдаланишни бошқаришга қодирлиги;
- 2) ундан амалий наф олиниши;
- 3) бошқа корхоналарнинг ушбу активдан фойдаланиш ва ундан наф олишини чегараланиши.”

**2. Жорий кўрсаткичлар.** Бу кўрсаткичлар ҳисоботга даромадларни ва харажатларни ҳисобга олувчи счётлардаги маълумотлар асосида шакллантирилади, яъни счётларнинг дебети ва кредитидаги жами суммалар ҳисоботнинг тегишли сатрларига ўтказилади. Масалан, бу кўрсаткичлар тоифасига 0102-сатр “Сотишлар ва хизматлар таннархи”, 0104-сатр “Сотиш харажатлари ва жадвалда келтирилган бошқа кўрсаткичларни киритиш мумкин. Жорий кўрсаткичлар ҳам молиявий натижаларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Жорий кўрсаткичларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳажми ва миқдори оралиқ кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Масалан, сотишлар ва хизматлар таннархи ялпи фойда кўрсаткичига бевосита таъсир кўрсатади. Жорий кўрсаткичларни корхонанинг асосий (одатдаги) фаолияти боғлиқ даромад ва харажатлар, Асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромад ва харажатлар, Фойда солиғи бўйича харажатлар, Тугатилаётган фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**3. Оралиқ кўрсаткичлар.** Ушбу кўрсаткичлар ҳисоботнинг ўзида ҳисоблаш орқали аниқланади. Оралиқ кўрсаткичлар молиявий натижаларнинг маълум бир фаолиятидан кейинги натижаларни ифодалайди. Оралиқ кўрсаткичлар фаолиятнинг маълум босқичидаги натижаларни тавсифлаб, резерв ва имкониятларни топишда қўл келади. Оралиқ кўрсаткичлар иқтисодий самарадорликни тавсифлайди. Шу боис, оралиқ кўрсаткичлар молиявий таҳлилни ўтказишда кенг қўлланилади. Оралиқ кўрсаткичларга қуйидаги кўрсаткичларни киритамиз:

1. Ялпи фойда;
2. Операцион фаолиятнинг фойдаси (зарари);
3. Асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари);
4. Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарари);
5. Давом этаётган фаолиятдан фойда (зарари);
7. Ҳисобот даври учун соф фойда (зарар).

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш тартиби билан танишиб чиқамиз.

**Биринчи кўрсаткич, ялпи фойда (ЯФ)** кўрсаткичи бўлиб, ушбу кўрсаткич Сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш суммасидан (Т) сотиш ва хизматлар таннархни (СТ)ни айириш орқали топилади:

$$\text{ЯФ} = \text{Т} - \text{СТ} (1)$$

Ушбу кўрсаткич сотишдан тушган тушумдан ушбу сотишни амалга ошириш сарфланган ресурсларнинг, яъни сотилган маҳсулотлар, товарлар (иш ва хизматлар)нинг таннархини чегиргандан кейинги фойда суммасини тавсифлайди ва кейинги барча оралиқ кўрсаткичларни ҳисоблаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

**Иккинчи кўрсаткич, операция фаолиятнинг фойдаси (зарари) (ОФЗ)** деб номланиб, ушбу кўрсаткич ялпи фойдадан (ЯФ) давр харажатлари, жумладан сотиш (СХ), маъмурий (МХ) ва активга айланмаган ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича харажатларни (ИТХ) чегириш орқали аниқланади:

<sup>66</sup> <https://i.factor.ua/journals/nibu/2019/november/issue-88/article-105224.html>

**ОФЗ = ЯФ – СХ – МХ – ИТХ (2)**

Ушбу кўрсаткич ялпи фойдадан операцион фаолият билан боғлиқ бўлган давр харажатларини чегиргандан кейинги операцион фойдани, яъни корхонанинг асосий операцион фаолият натижаларини тавсифлайди.

**Учинчи кўрсаткич, асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари) (АФФЗ)** кўрсаткичи бўлиб, бу операцион фойдадан асосий фаолиятига доир бўлган, яъни тушумлар тавсифига жавоб берадиган молиявий фаолиятдан олинган тушумларни (МФД) қўшиб, молиявий фаолият бўйича харажатларни (МФХ) чегириб ташлаш ҳамда Инвестициявий кўчмас мулкларнинг қиймати ошиши натижасида олинган даромадлар (ИКМҚОД) қўшиш орқали топилади:

**АФФЗ = ОФЗ + МФД – МФХ + ИКМҚОД (3)**

Ушбу кўрсаткич корхонанинг асосий, яъни одатдаги фаолияти натижаларини, яъни корхона операцион фаолияти ҳамда молиявий фаолиятдан тушумлар ва харажатларни тавсифлайди. Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатларнинг моддалари юқоридаги жадвалда келтирилган. Ҳозирги иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳиссаси ошиб бормоқда, бу ўз навбатида ҳисоботда молиявий фаолиятга доир моддаларнинг кенгроқ очиқланишини тақозо қилмоқда.

**Тўртинчи кўрсаткич, фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарари) (ФСТҚФЗ)** деб номланиб, ушбу кўрсаткични аниқлаш учун асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларга (АФФЗ) асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фойдани (АФББФ) қўшиб, асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган зарарларни (АФББЗ) чегириш керак бўлади:

**ФСТҚФЗ = АФФЗ + АФББФ – АФББЗ (4)**

Ушбу кўрсаткич корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган одатдаги фаолияти ва одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолиятлари натижаларини тавсифлайди. Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолияти моддалари юқоридаги жадвалда келтирилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро стандартларда бу кўрсаткичларни бошқа даромадлар ва бошқа харажатлар деб номланиб, уларни ҳисоботларда акс эттиришнинг муҳим хусусияти улар бўйича битта натижа, яъни фойда ёки зарар акс эттирилади. Масалан, асосий восталарни сотишдан олинган фойда, асосий воситаларни сотишдан зарар алоҳида акс эттирилмасдан, битта сатрда Жорий бўлмаган активларни сотишдан олинган фойда ёки жорий бўлмаган активларни сотишдан зарар акс эттирилади. Бу қоида одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган барча фойда ва зарарлар моддаларига тааллуқли ҳисобланади.

**Бешинчи кўрсаткич, давом этаётган фаолиятдан фойда (зарари) (ДЭФФЗ)** кўрсаткичи бўлиб, фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарари) (ФСТҚФЗ)дан Фойда солиғи бўйича харажатларни (ФСХ) чегириш орқали топилади:

**ДЭФФЗ = ФСТҚФЗ – ФСХ (5)**

Ушбу кўрсаткич давом этаётган фаолиятнинг натижаларини тавсифлайди. Агарда корхонада тугатилаётган фаолият мавжуд бўлмаса соф фойдани ҳисоблаш айнан шу босқичда яқунланади.

**3. Якуний кўрсаткичлар.**

Якуний молиявий натижалар бу молиявий-иқтисодий фаолиятнинг энг сўнгги ҳолатини ифодалайди. Бу кўрсаткич якуний бўлганлиги учун ҳисоботнинг бу кўрсаткичдан кейин унга жорий кўрсаткичларни қўшиш ёки айриш амалга оширилмайди. Бу энг сўнгги натижавий кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич бутун фаолиятнинг натижаси бўлиб, ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларни қизиқтирувчи муҳим кўрсаткичдир. Корхона раҳбарияти томонидан ҳисоботлар ташқи аудитдан ўтган, кузатув Кегашни тасдиқлаган ҳисоботдаги соф фойда ёки зарар кўрсаткичи эълон қилинади. Соф фойда ёки зарар кўрсаткичи якуний кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бу

кўрсаткич корхонанинг самарадорлигини тавсифлайди, иқтисодий ресурслардан қанчалик даражада самарали фойдаланилганлиги тўғрисида хулоса қилинади. Агар корхона фаолиятини фойда билан якунлаган бўлса акциядорларга ва таъсисчиларга дивиденд бериш ва қолган қисмини хусусий капиталнинг кўпайишига йўналтирилиши мумкин бўлади. Шу боис, соф фойда хусусий капитални кўпайтиришнинг энг муҳим манбаи саналади. Якуний кўрсаткич сифатида олтинчи кўрсаткични киритишимиз мумкин.

**Олтинчи кўрсаткич, ҳисобот даври учун соф фойда ёки зарар (СФЗ)** кўрсаткичи бўлиб, уни ҳисоблаш учун давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларга (ДЭФЗ) тугатилаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни (ТФОФЗ) қўшиш орқали топилади.

$$\text{СФЗ} = \text{ДЭФЗ} + (-) \text{ТФОФЗ} (6)$$

Ушбу кўрсаткич, якуний молиявий натижани тавсифлайди. Соф фойда дивиденд тўлангандан кейин тақсимланмаган фойдага йўналтирилади.

Юқорида таклиф этилаётган услубий тартиб қоидалар натижалари ҳамда ҳисоблаш формулаларини қуйидаги 2-жадвалда акс эттирамиз:

## 2-жадвал

## Молиявий натижаларни босқичма-босқич ҳисоблаш формулалари

Кўрсаткичларнинг номи	Ҳисоблаш формуласи	Белгилашлар
1. Ялпи фойда (ЯФ)	$\text{ЯФ} = \text{T} - \text{СТ}$	<b>T</b> - сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш суммаси; <b>СТ</b> - хизматлар таннари
2. Операцион фаолиятнинг фойдаси (зарари) (ОФЗ)	$\text{ОФЗ} = \text{ЯФ} - \text{СХ} - \text{МХ} - \text{ИТХ} (2)$	<b>СХ</b> - сотиш харажатлари; <b>МХ</b> - маъмурий харажатлар; <b>ИТХ</b> - активга айланмаган ишланмалар ва тадқиқотлар бўйича харажатларни
3. Асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари) (АФЗ)	$\text{АФЗ} = \text{ОФЗ} + \text{МФД} - \text{МФХ} + \text{ИКМҚОД}$	<b>МФД</b> - молиявий фаолиятдан олинган тушумлар; <b>МФХ</b> - молиявий фаолият бўйича харажатлар; <b>ИКМҚОД</b> - инвестициявий кўчмас мулкларнинг қиймати ошиши натижасида олинган даромадлар
4. Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарари) (ФСТҚФЗ)	$\text{ФСТҚФЗ} = \text{АФЗ} + \text{АФББФ} - \text{АФББЗ}$	<b>АФББФ</b> - асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фойда; <b>АФББЗ</b> - асосий (одатдаги) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган зарарлар
5. Давом этаётган фаолиятдан фойда (зарари) (ДЭФЗ)	$\text{ДЭФЗ} = \text{ФСТҚФЗ} - \text{ФСХ}$	<b>ФСТҚФЗ</b> - фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарари); <b>ФСХ</b> - фойда солиғи бўйича харажатлар
6. Ҳисобот даври учун соф фойда ёки зарар (СФЗ)	$\text{СФЗ} = \text{ДЭФЗ} + (-) \text{ТФОФЗ}$	<b>ТФОФЗ</b> - тугатилаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотимиз давомида ҳар бир муҳим жорий кўрсаткичларнинг тавсифи ва аниқлаш тартиби билан танишиб чиқайлик. Биринчи жорий кўрсаткич бу **сотиш ва хизматлар таннари**. Ушбу кўрсаткични аниқлаш тартиби савдо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарда бир қанча хусусиятларига эга. Ушбу хусусиятлари билан танишиб чиқайлик.



Савдо-тижорат ташкилотларида сотилган товарлар таннархини аниқлаш бир босқичда амалга оширилади. Бунинг учун қуйидаги жадвалдаги ҳисобот тузиш мақсадга ҳисобланади (3-жадвал)

3-жадвал

## Савдо корхоналарида сотилган товарлар таннархи тўғрисидаги ҳисобот

Кўрсаткичлар	Сумма
Ҳисобот даврининг бошида товар захираларининг бошланғич қолдиғи	98 250 000
Ҳисобот даври давомида харид қилинган товар захиралари	1 280 450 000
Жами сотиш учун мўлжалланган товар захиралари (98 250 000 + 1 280 450 000)	1 378 700 000
Ҳисобот даврининг охирида товар захираларининг охириги қолдиғи	148 320 480
<b>Сотилган товар захиралари таннархи (1 378 700 000 - 148 320 480)</b>	<b>1 230 379 520</b>

*Манба:* савдо корхонаси мисолида муаллиф ишланмаси.

Солиштириш мақсадида фойда солиғи ҳисоб китобларида 2023 йилдан эътиборан сотилган товарлар (иш ва хизматлар)нинг таннархини ҳисоблаш тартиби киритилди. Унга мувофиқ савдо-тижорат корхоналарида сотилган товарлар таннархини ҳисоблашнинг қуйидаги тартиби келтирилган.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалда бўлган фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларнинг 2.1 (а) - иловасидаги “Бевосита харажатлар моддалари асосида товарлар (хизматлар) таннархи (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби”ларида сотилган товарлар таннархини ҳисоблашнинг қуйидаги тартибини белгилаган (4-жадвал).

4-жадвал

## 2023 йилда фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларда сотилган товарлар таннархининг ҳисоб - китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
<b>Солиқ даври бошидаги тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати, шу жумладан:</b>	050	3 124 099 810,00
Қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар	0502	3 124 099 810,00
<b>Жорий даврда кирим қилинган тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотларнинг қиймати, шу жумладан:</b>	060	842 995 109,00
Қайта сотиш учун сотиб олинган товарларнинг қиймати	0602	842 995 109,00
<b>Жорий даврдаги тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотларнинг умумий қиймати (050+060)</b>	070	3 967 094 919,00
Қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар (0502+0602)	0702	3 967 094 919,00
Бошқа ҳолатлар бўйича кирим қилинган товарлар қиймати	07021	0
Бошқа ҳолатлар бўйича чиқим қилинган товарлар қиймати	07022	0
<b>Давр охирига тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати, шу жумладан:</b>	080	2 870 005 688,00
Қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар	0802	2 870 005 688,00
<b>Сотилган товарлар (хизматлар) таннархи</b>	090	1 097 089 231,00
Қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар (0702-сатр + 07021-сатр - 07022-сатр - 0802-сатр)	0902	1 097 089 231,00

*Манба:* корхоналарнинг фойда солиғи ҳисоб-китоблари асосида муаллиф ишланмаси.

Мамлакатимизда жорий қилинган тартибга мувофиқ фойда солиғи ҳисобида “Солиқ ҳисоби - мутаносиб усули”, “Солиқ ҳисоби - тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули” каби усулларни қўллаш кўзда тутилган. Мутахассисларнинг тавсиясига кўра **“ҳисобга олишнинг мутоносиб усулида** харажатлар соф тушумнинг умумий суммасидаги фаолиятнинг муайян турлари бўйича реализация қилишдан олинган соф тушум улушига мутоносиб равишда шу муайян фаолият турига киритилади. **Тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули** қўлланилганда харажатлар фаолиятнинг қайси тури амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, шу турига киритилади. Бунда бирон фаолият турига киритиш мумкин бўлмайдиган харажатлар ҳисобга олиншини мутоносиб усул орқали фаолиятнинг муайян турига киритилади.”<sup>67</sup>

Бизнинг назаримизда фойда солиғи ҳисобида айрим хориж тажрибалари ва уларни қўллаш хусусиятлари инobatга олинмаган. **Биринчидан**, хориж тажрибаларида захираларни ҳисобга олишнинг иккита тизими қўлланилади. Бу узлуксиз ҳисоб тизими ва даврий ҳисоб тизими. Жорий қилинган фойда солиғи ҳисоб-китобларида фақат даврий ҳисоб тизими талаблари инobatга олинган. Узлуксиз ҳисоб тизими талаблари инobatга олинмаган. Даврий ва узлуксиз ҳисоб тизимларига Ташназаров (2023) берган таърифга тўлиқ қўшилаемиз: **“Даврий захиралар тизими** деганда, захиралар ҳисоби бўйича узлуксиз ёзувлар амалга оширилмайдиган, бошланғич ва охири қолдиқлари инвентаризация йўли билан аниқланадиган ҳамда захиларнинг харид таннархи алоҳида счётада юритиладиган ёндашувга айтилади.

**Узлуксиз захиралар тизими** деганда, ҳар бир захира турлари бўйича кириш ва чиқим операцияларининг қайд қилинишига асосланадиган, инвентаризация қилмасдан ҳисоб маълумотлари бўйича захирлар қолдиғини ва сотилган захиралар таннархини аниқлаш мумкин бўлган ёндашувга айтилади.”

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий қисми узлуксиз ҳисоб тизимини қўллайди. Узлуксиз ҳисоб тизимида сотилган товарлар таннархи унинг учун махсус мўлжалланган счётада шакллантирилади. Охири товар захираларини инвентаризация қилиш йўли билан аниқлашнинг зурурияти йўқ. Товар захираларининг бошланғич ва охири қолдиқлари тегишли счётларда мавжуд. Шу боис, хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларга берилган иловалардаги сотилган товарлар таннархини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар даврий ҳисоб тизими талабларига жавоб беради. Холбуки, мамлакатимиздаги ҳисоб тизими асосан узлуксиз ҳисоб тизимининг қўлланилишини тақозо қилади. Шу боис, бизнинг фикримизча, фойда солиғи ҳисоб-китоби бўйича иловада берилган сотилган товарлар таннархи тўғрисидаги ҳисоб-китобларни узлуксиз ҳисоб тизимида ҳам мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотлар (бajarилган ишлар) таннархини шакллантириш бир қанча хусусиятларга эга. Чунки, маҳсулот таннархи бир босқичнинг ўзида шаклланмайди. Ушбу жараён бир қанча босқичларда шакллантирилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу босқичларни бирлаштириб қуйидаги ҳисоботни тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (5-жадвал).

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, савдо корхоналаридан фарқли равишда ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларнинг сотиш таннархини аниқлаш кўп босқичли жараён ҳисобланади. Савдо корхоналарида харид қилинган товарлар қайта ишланмасдан сотиш учун мўлжалланганлиги боис, сотиш таннархи бир босқичда аниқланади. Лекин, ишлаб чиқариш корхоналарида сотиш таннархини аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, бутун бухгалтерия ҳисоби тизимининг мақсади маҳсулот таннархини тўғри шакллантиришга қаратилган бўлади.

<sup>67</sup> Харажатларнинг алоҳида алоҳида ҳисоби [https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text118258\\_harajatlarning\\_alohida\\_alohida\\_hisobi](https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text118258_harajatlarning_alohida_alohida_hisobi)

5-жадвал

**Даврий ҳисоб тизимида аниқланган тайёр маҳсулотларни сотиш таннархи  
тўғрисидаги ҳисоботи (минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Суммаси
<b>1-босқич. Ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар таннархи:</b>	
Ҳисобот даврининг бошида материаллар бошланғич қолдиғи	78 879 600
<b>Қўшилади:</b> Ҳисобот даврида харид қилинган материаллар қиймати	128 648 978
<b>Айирилади:</b> Ҳисобот даврининг охирида материаллар охирги қолдиғи	83 248 496
<b>Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар қиймати</b>	<b>124 280 082</b>
<b>2-босқич. Жами ишлаб чиқариш таннархи</b>	
Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришга чиқарилган материаллар қиймати	124 280 082
Тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари	18 678 950
Билвосита устама ишлаб чиқариш харажатлари	11 829 622
<b>Жами ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>131 129 410</b>
<b>3-босқич. Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот таннархи</b>	
Ҳисобот даврининг бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш бошланғич қолдиғи	1 845 348
<b>Қўшилади:</b> Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот таннархи	131 129 410
<b>Айирилади:</b> Ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш охирги қолдиғи	1 936 544
<b>Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар таннархи</b>	<b>131 038 214</b>
<b>4-босқич. Тайёр маҳсулотларнинг сотиш таннархи</b>	
Ҳисобот даврининг бошида тайёр маҳсулотларнинг бошланғич қолдиғи	28 448 556
<b>Қўшилади:</b> Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар таннархи	131 038 214
<b>Айирилади:</b> Ҳисобот даврининг охирида тайёр маҳсулотларнинг охирги қолдиғи	25 390 965
<b>Тайёр маҳсулотларнинг сотиш таннархи</b>	<b>134 095 805</b>

*Манба: фойда солиғи ҳисоб-китоблари асосида.*

Ишлаб чиқариш корхоналарида сотиш таннархини аниқлаш тартиби фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларга 2.1 (а) – иловасида ўз аксини топган. Мамлакатимизда амалда бўлган ушбу ҳисоб - китобларни қуйидаги 6-жадвалда расмийлаштирамиз (6-жадвал).

Ушбу фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларга иловалардаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан**, ушбу ҳисоб-китобда солиқ ҳисоби доирасидан ташқари ахборотлар мавжуд. Масалан, солиқ даври бошида тугулланмаган ишлаб чиқаришнинг, Жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимларнинг таннархи элементлар, жумладан хом-ашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотлар бошқарув бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлган ахборотлар ҳисобланади. Уларнинг ташқи ахборот фойдаланувчи, жумладан солиқ органларига тақдим этилиши ахборотларнинг конфеденциаллиги ва менежерлар бошқарув манфаатларига зид келиши мумкин. Бу ахборотлар таннархи ҳисобида жараёнли таннархни қўллашдаги ахборотлар ҳисобланади. Солиқ органларида сотиш таннархига доир ахборотларнинг олиниши бухгалтерия ҳисоби талабларига тўғри келмайди деб ҳисоблаймиз.

6-жадвал

**2023 йилда фойда солиғи бўйича ҳисоб-китоблардаги иловада сотилган тайёр маҳсулотлар таннархининг ҳисоб - китоби**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
<b>Солиқ даври бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати (0101-0104-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:</b>	<b>010</b>	<b>346 578 949,00</b>
Хом ашё ва материаллар	0101	182 034 589,00
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар	0102	78 963 945,00
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси	0103	20 345 689,00
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	0104	65 234 726,00
<b>Жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимлар (0201-0204-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:</b>	<b>020</b>	<b>33 496 876 810,00</b>
Хом ашё ва материаллар	0201	16 544 588 630,00
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар	0202	8 934 568 950,00
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси	0203	2 090 788 462,00
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	0204	5 926 930 768,00
<b>Жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган жами харажатлар (010-сатр + 020-сатрлар йиғиндиси)</b>	<b>030</b>	<b>33 843 455 759,00</b>
Хом ашё ва материаллар	0301	16 726 623 219,00
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар	0302	9 013 532 895,00
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси	0303	2 111 134 151,00
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	0304	5 992 165 494,00
<b>Солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати (0401-0404-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:</b>	<b>040</b>	<b>348 890 655,00</b>
Хом ашё ва материаллар	0401	181 689 350,00
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар	0402	82 345 620,00
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси	0403	20 345 465,00
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	0404	64 510 220,00
<b>Солиқ даври бошидаги тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати, шу жумладан:</b>	<b>050</b>	<b>3 456 890 000,00</b>
Ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	0501	3 456 890 000,00
<b>Жорий даврда кирим қилинган тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотларнинг қиймати, шу жумладан:</b>	<b>060</b>	<b>33 494 565 104,00</b>
Жорий даврда тайёр маҳсулот таннархига ҳисобдан чиқарилган тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати, (030-сатр - 040-сатр)	0601	33 494 565 104,00
<b>Жорий даврдаги тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотларнинг умумий қиймати (0701-сатр)</b>	<b>070</b>	<b>36 951 455 104,00</b>
Ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	0701	36 951 455 104,00
<b>Давр охирига тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати, шу жумладан:</b>	<b>080</b>	<b>3 285 846 300,00</b>
Ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	0801	3 285 846 300,00
<b>Сотилган товарлар (хизматлар) таннархи</b>	<b>090</b>	<b>33 665 608 804,00</b>
Ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (0701-сатр - 0801-сатр)	0901	33 665 608 804,00

*Манба: фойда солиғи ҳисоб-китоблари асосида.*

**Иккинчидан**, таннарх элементлари Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда келтирилган харажатлар гуруҳлари, хом-ашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари бўйича тақдим этилиши Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари талабларига мос келмайди. МҲХСларида харажатлар учта категориядаги харажатларга таснифланган. Буларга тўғридан-тўғри хом-ашё ва материаллар, тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари. Ушбу жиҳатларини мувофиқлаштириш зарур.

Хизматларнинг сотиш таннархи ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади. Тадқиқотчи Алимова (2023) меҳмонхона хизматлари хусусиятларини қуйидагича таърифлайди: "...меҳмонхона хўжалигининг асосий даромади бу меҳмонхона хизматларидан олинган тушумлар ҳисобланади. Меҳмонхона хизматларининг муҳим хусусияти у хизмат кўрсатилаётган жойда амалга оширилади, хизмат кўрсатиш бир вақт momentiда амалга оширилмасдан, маълум бир вақт давомида амалга оширилиб борилади ҳамда хизмат кўрсатилиши жараёни билан истеъмол жараёни бирга амалга оширилади, яъни вақт жиҳатидан мувофиқ келади."

Тадқиқотчи Алимова (2023) томонидан "Меҳмонхона хизматлари таннархини ҳисоблаш ўзининг хусусиятларига эга деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагилар билан белгиланади.

**Биринчидан**, ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи объекти ҳисобланса, меҳмонхона хўжаликларида эса кўрсатиладиган хизматлар таннарх объекти ҳисобланади.

**Иккинчидан**, меҳмонхонада яшаш учун номер фондини тақдим қилишдан ташқари, миждозларга савдо хизматлари, ресторан хизматлари, маиший хизматлар, экскурсия-гид хизматлари, конференция зали, ахборот технологиялари хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

**Учинчидан**, таннарх объекти кўпайгани боис, барча таннарх объектларига тааллуқли бўлган устама харажатлар юзага келади ҳамда ушбу устама харажатларни таннарх объектларига сабаб-оқибат мезонлари асосида тақсимлаш керак бўлади.

**Тўртинчидан**, хизматларни сотиш билан боғлиқ ҳолатлар, яъни хизматалар чегараланган вақт доирасида амалга оширилади. Хизмат меҳмонхона ҳудудида амалга оширилади.

**Бешинчидан**, меҳмонхона хўжаликлари харажатлари турли туман ва модда жиҳатидан ҳам кўп ҳисобланади, қайсики бу ҳолат харажатларни илмий асосда таснифлаш ва ҳисобга олишни талаб этади. Бир кунлик яшаш, яъни "бир кунлик койка таннархи"ни ҳисоблаш ўта муҳим ҳисобланади."<sup>68</sup>

Ушбу тадқиқотлардан кўриниб турибдики, хизматлар кўрсатиш соҳасида сотилган хизматлар таннархини ҳисоблашнинг услубий масалалари ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топган эмас.

### Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни амалга ошириш мумкин:

1. Муаллиф томонидан олдинги тадқиқотларимизда таклиф этилган "Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисида" ҳисоботнинг шаклидаги кўрсаткичлар бошланғич кўрсаткич, жорий кўрсаткичлар, оралик кўрсаткичлар ва якуний кўрсаткичга ажратилиб, ушбу гуруҳдаги кўрсаткичларнинг мазмун моҳияти очиб берилди.

**Бошланғич кўрсаткич**, яъни ҳисобот дастлабки бошланадиган кўрсаткич бўлиб, бунга "Сотишдан тушган тушумлар ва хизматларни рағбатлантириш" кўрсаткичини киради. Ушбу кўрсаткичнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

<sup>68</sup> Шу жойни, 280-282-бетлар.

**Жорий кўрсаткичлар** ҳисоботга даромадларни ва харажатларни ҳисобга олувчи счётлардаги маълумотлар асосида шакллантирилади, яъни счётларнинг дебети ва кредитидаги жами суммалар ҳисоботнинг тегишли сатрларига ўтказилиши натижасида олиниши қайд қилинди.

**Оралиқ кўрсаткичлар** молиявий натижаларнинг маълум бир фаолиятдан кейинги натижаларни ифодалайди.

**Яқуний молиявий натижалар** бу молиявий-иқтисодий фаолиятнинг энг сўнгги ҳолатини ифодалайди. Соф фойда ёки зарар кўрсаткичи яқуний кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Бу кўрсаткич корхонанинг самарадорлигини тавсифлайди, иқтисодий ресурслардан қанчалик даражада самарали фойдаланилганлиги тўғрисида хулоса қилинади.

2. Тадқиқот жараёнида қуйидаги оралиқ кўрсаткичларга қуйидаги кўрсаткичларнинг ҳисоблаш тартиби ва формулалари ишлаб чиқилди: 1. Ялпи фойда; 2. Операцион фаолиятнинг фойдаси (зарари); 3. Асосий (одатдаги) фаолиятнинг фойдаси (зарари); 4. Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарари); 5. Давом этаётган фаолиятдан фойда (зарари); 7. Ҳисобот даври учун соф фойда (зарар).

Ушбу формулалар жадвал шаклига келтирилди, уларнинг амалиётда қўлланилиши МҲҲСларига асосланган ҳисобот шакллари тўғри белгилаш ва кўрсаткичларни ҳисоблашда қўл келади.

3. Тадқиқотда Биринчи жорий кўрсаткич бу **сотиш ва хизматлар таннархи**. Ушбу кўрсаткични аниқлаш тартиби савдо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарда бир қанча хусусиятларига эга.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалда бўлган фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларнинг 2.1 (а) - иловасидаги “Бевосита харажатлар моддалари асосида товарлар (хизматлар) таннархи (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби”ларида сотилган товарлар таннархини ҳисоблашнинг тартиби белгилаган. Бизнинг назаримизда фойда солиғи ҳисобида айрим хориж тажрибалари ва уларни қўллаш хусусиятлари инobatга олинмаган. Тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, хориж тажрибаларида захираларни ҳисобга олишнинг фойда солиғи ҳисоб-китобларида фақат даврий ҳисоб тизими талаблари инobatга олинган. Узлуксиз ҳисоб тизими талаблари инobatга олинмаганлиги қайд қилинди.

4. Ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотлар (бажарилган ишлар) таннархини шакллантириш бир қанча хусусиятларга эга. Чунки, маҳсулот таннархи бир босқичнинг ўзида шаклланмайди. Ушбу жараён бир қанча босқичларда шакллантирилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу босқичларни бирлаштириб даврий ҳисоб тизимида аниқланган тайёр маҳсулотларни сотиш таннархи тўғрисидаги ҳисоботи шакли ишлаб чиқилди.

5. Ишлаб чиқариш корхоналарида сотиш таннархини аниқлаш тартиби фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларга 2.1 (а) – иловасида ўз аксини топган. Ушбу ҳисоб-китобда солиқ ҳисоби доирасидан ташқари ахборотлар мавжуд. Масалан, солиқ даври бошида тугулланмаган ишлаб чиқаришнинг, жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимларнинг таннархи элементлар, жумладан хом-ашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотлар бошқарув бухгалтерия ҳисобига тааллуқли бўлган ахборотлар ҳисобланади. Бу ахборотлар тижорат сири билан боғлиқлиги ва уларни ташқи ахборот фойдланувчиларга тақдим қилиш корхоналарнинг ахборот манфаатларига мос келмаслиги мумкинлиги қайд қилинди.

6. Бундан ташқари таннарх элементлари Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда келтирилган харажатлар гуруҳлари, хом-ашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар, асосий воситалар ва номоддий активлар

амортизацияси бўйича харажатлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари бўйича тақдим этилиши Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари талабларига мос келмайди, деб ҳисоблаймиз. МҲҲСларида харажатлар учта категориядаги харажатларга таснифланган. Буларга тўғридан-тўғри хом-ашё ва материаллар, тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари. Ушбу жиҳатларини мувофиқлаштириш зарурлиги тавсия этилди.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмун ва моҳиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

### **Адабиётлар / Литература/ Reference:**

Druzhilovskaya Yu. (2021) *Improvement of the Statement of Financial Results as an Information Base for Strategic Decision Making. October 2021 //Accounting Analysis Auditing* 8(4):69-79.

Yusupova F. (2024) *Methodological Issues Of Statement Of Financial Results - Journal of International Finance and Accounting* <http://interfinance.tfi.uz/?p=4021>

Zhilyakov, D., V. Dolzhenkova, E., E. Malkhasyan, A., N. Dunets, A., V. Goncharov, V., & N. Rodionova, L. (2021). *Improvement of the Methodology of Forming the Financial Result of the Organization in the Conditions of Economic Transformation. Revista San Gregorio, 1(44).* <https://doi.org/10.36097/rsan.v1i44.1586>

Авлоқулов А.З. (2016) Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар кўрсаткичларининг шаклланиши ва акс эттирилиши “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2016 йил. 5-бет [//https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/16\\_A\\_Avloqulov.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/16_A_Avloqulov.pdf)

Головкова К.А. (2024) *Формирование финансовых результатов организации и методологические подходы к определению понятия “Пибыль”* [//https://elibrary.ru/item.as?id=44626704](https://elibrary.ru/item.as?id=44626704).

Ильдар Мустафин. (2024) *Финансовый результат в бухгалтерском учете.* <https://www.moedelo.org/club/buhgalterskij-uchet/uchet-finansovyh-rezultatov>

МҲҲС (2023) 15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар.

Ташназаров С.Н. (2023). *Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1: Дарслик/СамИСИ – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023 -580 бет. 3-боб. Тушумлар бухгалтерия ҳисоби (З.Б.Эшпулатова). 189-190-б.; 398-407-б.*

Ташназаров С.Н., Алимова Н.К. ва бошқалар (2023). *Бухгалтерия ҳисоби: халқаро стандартлар ва тараққий эттириш омиллари. Монография. Самарқанд-2023, 336-бет. 260-б.; 280-282-бетлар*

Холмуродов О.Н. (2024) *молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2024-yil, may // https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/1321/1250*